

# ҚОН ТАРКИБИДАГИ АЙРИМ БИОЛОГИК ФАОЛ ВА МИНЕРАЛ МОДДАЛАР МИҚДОРНИНГ СУР ҚОРАҚЎЛ ҚЎЙЛАРИ НАСЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИНИ САҚЛАШ ВА МАҲСУЛДОРЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

**Омонов Маматқобил Исмоилович** доцент, биология фанлари доктори  
**Термиз давлат университети**

**Анотация:** Мақолада Сурхондарё сур қорақўл қўйлари қон таркибидаги айрим биологик фаол моддалар (фермент, калий) миқдорининг сур қўйлар наслий маҳсулдорлик хусусиятларини сақлаш ва қимматбаҳо, ноёб ва антиқа қорақўл терилари сифати билан боғлиқлиги илмий-тадқиқотлар таҳлиллари асосида баён қилинган.

**Калит сўзлар:** глобал, генофонд, стандарт, зооветеринария, бронза, платина, янтар ва антрацит сур, гисто-морфологик, хромосома, цитогенетика, корреляция.

**Аннотация:** В статье представлены результаты исследования в составе крови биологически активных веществ (ферменты, калия и др.) каракульских овец сур на сохранением ценного генофонда и повышении качества выращиваемых шкурок каракулских шкурок сур.

**Ключевые слова:** глобал, генофонд, стандарт, зооветеринария, сур бронзовая, платиновая, янтарная, антрацитовая, гисто-морфология, хромосом, цитогенетики, корреляции.

**Annotation:** The article presents the results of a study of the effect of biologically active substances in the blood of karakul sura sheep on the preservation of the valuable gene pool and improving the quality of the grown karakul sura skins.

**Keywords:** global, gene pool, standard, veterinary medicine, sup bronze, platinum, amber, anthracite, histo-morphology, chromosomes, cytogenetics, correlations.

Қоракўлчилик халқимизни сифатли қўй гўшти ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил ва чарм саноатини қимматбаҳо ноёб ва антиқа сур, қора ва кўк рангли қоракўл тери, қўй териси ҳамда жун етиштириши баробарида, кишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва оила даромадини оширишда чорвачиликнинг муҳим тармоғи ҳисобланади.

Қоракўл зотли қўйлар энг қадимий қўй зотларидан бири бўлиб, азалдан Ўзбекистоннинг чўл ва чала чўл худудлари иқлим шароитида қоракўлчи – қўйчивон чорвадор ота-боболаримиз томонидан кўп асрлик ноилмий яъни жайдари селекция ишлари туфайли яратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда мамлакатимиз қоракўлчилигини ривожлантириш ва қоракўл қўйларининг юқори маҳсулдор зот ва завод типларини яратишда етакчилик қилаётган Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан бир қатор қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликларда иновацион илмий тадқиқот ишлари ўтказилмоқда.

Хусусан, республикаимиз жанубий худиди ҳисобланган Сурхондарё вилоятининг Қумқўрғон туманидаги “Боботоғ-сури қоракўлчилик” МЧЖ наслчилик хўжалигида профессор Ў. Орипов раҳбарлигида Сурхондарё сур қўйларининг генофондини сақлашнинг селекцион-генетик усулларини ишлаб чиқиш, физиологик хусусиятларга боғлиқ муаммолар, сур терилар сифатини такомиллаштириш, янги завод типларини яратиш борасида кенг қамровли илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз чорвачилигини ривожлантириш ва чорва моллари маҳсулдорлигини оширишда биотехнологик усулларни жорий қилиш ва ундан мақсадли фойдаланиш долзарб ҳисобланади.

Шу боис, қоракўл қўйларининг ўзига ҳос биологик ва маҳсулдорлик хусусиятларини инобатга олиб, зоотехникавий усулда баҳолаш билан бир вақтда замонавий иновацион технологик усуллардан тизимли фойдаланиш ва интеграциялаш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, организмда кечадиган турли хил биокимёвий жараёнлар ўз навбатида ўзига хос хусусиятларга эга. Биологик фаол моддалар, яъни ферментлар тирик организмнинг ўсиши ва ривожланиши, моддалар алмашинувида турли жадалликда содир бўлиб, маҳсулдорликка бевосита таъсирини кўрсатади.

Маълумки, бир организмда айрим сифат ёки сон белгилари орасида ҳамда баъзи ташқи шарт-шароитлар ўртасида боғлиқликлар кузатилади.

Сурхондарё сур қўзиларининг 1-3 кунлигида қон таркибидаги тирозин-аминотрансфераза ферменти фаоллигини 100 % ҳисобида фараз қилинса, бу кўрсаткич қора рангли қўзиларда 33,6 %, Бухоро сур типидида 12,0 % ни ташкил этганлигини кузатиш мумкин. Турли ёш даврларида ранги ва келиб чиқишига боғлиқ ҳолда ушбу ферментлар фаоллигида сезиларли фарқланишлар кузатилмаганлигини кўриш мумкин.

Тадқиқотларда тажриба олинган қорақўл қўйлари қон зардобидидаги ферментлар миқдори уларнинг зот ичидидаги ўхшашлик ва фарқланишлар кузатилди. ( 2 жадвал).

## 2 жадвал

### Сурхондарё сур ва қора рангли қўйлар қон зардобидидаги ферментлар фаоллигидаги ўхшашлик ва фарқланишлар

Ранг ва сур ранг-барангликлар	Бош сони	Ферментлар			
		Пероксидаза (ш.б.)	Аспартат-амино-транс-фераза (Мк.Моль)	0-дифенол-оксидаза (ш.б.)	Тирозин-амино-транс-фераза (ш.б.)
Бронза	48	0,250±0,027	83,35±3,41	12,04±0,99	0,496±0,047
Янтарь	52	0,270±0,018	87,33±2,99	8,50±0,84	0,565±0,036
Платина	48	0,265±0,016	95,59±3,52	7,93±0,87	0,346±0,012

Қора	57	0,360±0,017	103,17± 2,41	7,71±0,40	0,167±0,011
------	----	-------------	--------------	-----------	-------------

Жадвал маълумотларида таъкидланадики, Сурхондарё сур типли қорақўл қўйлар қон зардобида 0-дифенолоксидаза ферментининг энг юқори фаоллиги бронза сур рангбарангликда 12,04 ш.б. кузатилди, бу кўрсаткич янтарь сур рангбаранглик 8,50 ш.б., платина сурда 7,93 ш.б., яъни платина сур рангбаранглик кўзилар ўз тенгқурлари орасида ферментлар фаоллиги кам миқдорда бўлганлиги аниқланди.

Қорақўл қўйлар қон зардобидаги пероксидаза ферменти фаоллиги қора рангли қўйларда юқори яъни 0,360, бу кўрсаткич платина сур рангбарангликда 0,265 ш.б., тирозин-аминотрансфераза ферменти фаоллиги рангдор қўйларда қора рангли қўйларга нисбатан 2–3 баравар устунлик аниқланди. ( $P < 0,01$ ).

Таққосланаётган гуруҳларнинг қони таркибида калийнинг турли даражада тақсимланиши ва унга кўра ҳайвонлар рецессив гени  $K^h$  частотаси ҳар хиллиги кузатилди. Сурхондарё сур типли қорақўл қўйларининг аллеллар учраш частотасини 100% ҳисобда фараз қилинса, қора рангли қўйларда бу кўрсаткич 107,0%, Бухоро сур типли қўйларда -108,3%. ( $P < 0,001$ )

Таъкидлаш ўринлики, қорақўл зотли қўйлар қон таркибида калий миқдори концентрацияси юқорилиги уларнинг ташқи муҳит шароитларига чидамлилигини ошириши баробарида, совлиқ қўйларнинг ўз вақтида куйикка келиши ва белгиланган муддатда қочириш имконияти яратилади.

**Хулоса:** 1. Қорақўл қўйлари қон таркибидаги биологик фаол моддалар, хусусан ферментлар сур қўйлар наслий хусусиятларини сақлаш ва қорақўл тери сифати билан боғлиқлиги аниқланди.

2. Қон таркибида калий миқдорининг меъёрида бўлиши қорақўл қўйлари генофондини кўпайтириш, ноқулай иқлим шароитга чидамлилигини оширишда муҳим ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Алиев Д.Д. Қоракўл кўйлари қони таркибидаги нуклеин кислоталар ва калий миқдорининг улар физиологик функцияларига боғлиқ ҳолда ўзгариши. Биология фанлари номзодлиги диссертацияси автореферати. Тошкент., 2010. - 21 б.
2. Арипов У.Х. Научные основы повышения жизнеспособности продуктивности каракульских овец.: Автореф. дис. докт. сельхоз. наук. – Ташкент, 1992.–38 с.
3. Арипов У.Х., Алиев Д.Д., Омонов М.И., Нарзуллаев Х. Методические рекомендации по сохранению генофонда каракульских овец Сурхандарьинского сура. Самарканд.: 2017, 28 с.
4. Amonova G. R., Rashidov N. E. Useful Properties of Medicinal Chamomile (*Matricaria Recutita*) //European journal of innovation in nonformal education. – 2024. – Т. 4. – №. 4. – С. 130-132.
5. Гигинейшвили Н.С. Успехи и задачи цветного каракулеводства //Журнал Каракулеводство. Ташкент, 1979. –Вып. XI. – С. 35-36.
6. Ерохин А.И., Дрозденко Н.П., Дускин Ю.П. Биохимические основы селекции овец. М.:1977.С.16-19.
7. ФАО.Второй доклад о состоянии мировых генетических ресурсов животных для производства продовольствия и ведения сельского хозяйства. Краткое изложение. – Рим: ФАО, 2015. - С. 14-19.
8. Development of integrated multipurpose animal recording systems. Rome. 2016. - P.12-14.